O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Азиз аёллар! Бахт ва гўзаллик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

1999 йил, 6 март, шанба № 28 (1136). Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Суббота, 6 марта 1999 г. № 28 (1136). В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Муҳтарама оналаримиз! Мунис опа-сингилларимиз! Азиз қизларим!

Аввало барчангизни 8 Март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Аёл — Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси.

Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, нафақат оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Биз хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан — авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади.

Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини юксак қадрлаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишдан мақсадимиз — аввало хотин-қизлар ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик кудратини намоён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўрнини эгаллаб олишидир.

Шу билан бирга, бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий топган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлгай, ишоолло.

Менинг жамоатчилигимизга, бутун халқимизга даъватим шуки, аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик.

Яна бир бор барчангизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Яратгандан сизларга омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Гўзаллик ва нафосат байрами

Дунёга гўзаллик таратувчи, дилларда баҳор яратувчи — бу Аёл. Мунис аёлларимиз азал-азалдан эъзозлаб келинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда хотин-қизларнинг нуфузи беқиёс ортди. Уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис аёлларимизнинг ижодкорлиги, тадбиркорлиги ва жамоат ишларида фаоллиги жўш урди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинганлиги опа-сингилларимизга нисбатан чексиз ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлди.

5 март куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — гўзаллик ва нафосат байрамига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда республика жамоатчилиги, турли ташкилот ва муассасалар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг байрам муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган табригини Республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Каромат ов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова йиғилганларни байрам билан табриклаб, аёлларга билдирилаётган юксак ишонч ва кўрсатилаётган ҳурмат, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ғамхўрлик учун ҳукуматимизга, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг, Чилонзор туманидаги 16-оилавий поликлиника шифокори, «Дўстлик» ордени соҳибаси Надежда Фролова, Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртининг курсанти Умиджон Мўйсиналиев байрам қатнашчиларини, улар сиймосида мамлакатимиз барча хотин-қизларини қутлуғ айём билан муборакбод этди.

Тантанали кеча республикамиз санъат усталари ва ижодкор ёшлар ижросидаги катта концерт билан ниҳоясига етди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

НАГРАДЫ ЖЕНЩИНАМ-ИЗОБРЕТАТЕЛЯМ

Золотые медали первой Всемирной выставки по здравоохранению и охране окружающей среды «Глобальное здоровье-98» были присуждены изобретателям Узбекистана. На торжественном собрании, которое состоялось накануне Международного женского дня в Государственном комитете по науке и технике, председатель Комитета, академик П. Хабибуллаев вручил эти награды женщинам-изобретателям, чьи работы участвовали в выставке.

Высшими наградами выставки «Глобальное здоровье-98», которая прошла в ноябре прошлого года в столице Филиппин Маниле, были отмечены все работы из Узбекистана, представленные в экспозиции. Это — технология тепловой нейтрализации ртутьсодержащих люминисцентных ламп, разработанная специалистами «УзНИИпроцветмет» из города Алмалык и совместного предприятия «Сэлта», и еще одна технология алмалыкских ученых — очистки от ртути отходящих газов металлургических предприятий. Сразу две золотые медали получили и разработчики из Ташкентского научно-исследовательского института «Водгео» — за созданные ими технологии комплексной очистки сточных вод и биологической очистки сточных вод в прудах. Все эти технологии, разработанные с участием женщин-изобретателей, направлены на решение актуальных экологических проблем и имеют большое практическое значение.

Как было отмечено на собрании, большой интерес ученых и промышленников из разных стран мира к научным исследованиям и разработкам, выполняемым в Узбекистане, проявился и в ходе 26 Международной выставки изобретений «Новые технологии и продукты-98», состоявшейся в Женеве, в которой приняли участие представители нашей страны. Из десяти привезенных ими на выставку технологий две были отмечены серебряной и восемь — бронзовыми медалями. Столь высокая оценка работы узбекистанских ученых, в том числе и женщин, — еще одно подтверждение высокого научно-технического потенциала нашей страны.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ,
корр. УзА.

СТИХИ О ЖЕНЩИНЕ

Накануне 8 Марта — праздника весны и красоты, в национальном информационном агентстве Узбекистана состоялась встреча с Героем Узбекистана, народным поэтом Абдуллой Ариповым. Поздравив собравшихся женщин с наступающим праздником, он отметил, что в нашей стране женщины пользуются все большим вниманием и заботой. Ярким тому свидетельством явилось то, что Президент Ислам Каримов объявил 1999 год Годом женщин. Еще ни в одной стране мира не оказывалось такого внимания и уважения к женщине.

Абдулла Арипов прочел на вечере свое новое стихотворение «Ўзбек онаси».

(ЎзА).

ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштипар ҳам ўзинг,
буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг,
куюк ҳам ўзинг,
Оламга татирлик суюк
ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Сени Тўмарис деб,
мақтаганим бор,
Сен Темур бешигин
тебратган бедор,
Сенсан Бибихоним,
Нодирам зор,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Ватанни она деб бекор
айтилмас,
Она буюрганда йўлдан
қайтилмас,
Сен ўзинг Каъбамсан,
Байтул муқаддас,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Бошингдан нималар
ўтмади ахир,
Ватандек тақдиринг
бўлди гоҳ тахир,
Бобур шоҳ бўлса-да,
қошингда фақир,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Гоҳида балқдинг
Барчиндек тўлиб,
Гўзадек қуридинг
Турсуной бўлиб,
Тимсолинг яловда
юлдуздек қулиб,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Фарзандинг қувонса —
сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг,
яшадинг, ёндинг,
Нокаси учраса,
ўртандинг, тондинг,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Келажак тойчоғу
тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта,
пойингиздадир,
Ватан-ку сиз турган
жойингиздадир,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.
Сизга таъзим қилиб
турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир
энг шоҳона байт,
Азиз Юртбошингга
дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа,
гапнинг хонаси,
Эй ўзбек онаси,
ўзбек онаси.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.
(ЎзА).

ЧТОБЫ ПОМНИЛИ...

Объявленный Указ Президента Узбекистана о праздновании 9 мая как Дня Памяти и Почестей — это глубоко гуманное решение.

Это день — дань памяти и воинам-узбекистанцам, погибшим в годы войны 1941—1945 гг., и всем тем патриотам, кто свою жизнь отдал за нашу Родину и ее независимость.

Эта дата глубоко символична и для воспитания нашего подрастающего поколения. Чтобы все помнили тех, кого уже с нами нет, и тех, кто еще трудится, воспитывает нашу молодежь, делится своим богатым опытом на благо сплоченного, солнечного Узбекистана.

Яйра АБДУЛЛАЕВА,
народная артистка Узбекистана.

● НОВОСТИ РЕСПУБЛИКИ

В Навоийском областном хокимияте состоялось собрание, посвященное дальнейшему углублению экономических реформ в сельском хозяйстве. Вел его хоким области Г. Дилов.

В Намангане состоялся республиканский семинар-совещание, организованный Министерствами народного образования и здравоохранения при поддержке областного хокимията. В нем приняли участие руководители и ведущие специалисты управлений народного образования, здравоохранения из всех областей Узбекистана и из Республики Каракалпакстан.

В колледже Государственного таможенного комитета республики состоялась церемония принятия присяги таможенниками, прошедшими начальный курс обучения. В течение пяти месяцев будущие инспекторы изучали таможенное законодательство и его применение на практике.

Коллективы Государственного акционерного общества «Коракалпокбалик» с начала года отправили потребителям значительно больше рыбы, чем за то же время прошлого года. Особенно высоких результатов достигли Акционерные общества «Козокдарабалик», «Кунгиротбалик», которые уже выполнили трехмесячное задание.

(ЎзА).

● БУГУННИНГ АЁЛИ

Оналари суюк юртнинг фарзандлари буюкдир

Ўтмишимизга назар ташласак, мана шу биз яшаб турган муқаддас заминда нечоғлик буюк инсонлар дунёга келганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг бири мутафаккир олим, бири донишманд шоир, бири аллома табиб... Сўзга жон бахш этганлар юрти — бу, юлдузларни кашф этганлар юрти — бу! Дунё санашни биздан ўрганган. Бир сўз билан айтганда, юртимиз азалдан истеъдодларга бой бўлган. Улар билан қанча фахрланса, қанча мақтансак, шунча оз. Айтадилар-ку, бор мақтанса ярашур.

Шуни ҳам жуда яхши биламизки, ана шу барча буюк истеъдодларимиз ортида Буюк Аёл — Ҳазрати Онамиз турибди. Бу шундай Онаки, ўзи емаса емайди, боласига еди ради. Бу шундай Онаки, ўзи киймаса киймайди, боласига кийдиради. Боласини катта қилгунча уйқу нима билмайди, чарчаш нима билмайди. Бу ҳаракатларнинг, елиб-югуриш, куйиб-пишишларнинг замирида болам элнинг, юртнинг корига ярайдиган одам бўлсин, деган буюк мақсад ётибди. Буюк тарбиянинг меваси— Буюк фарзандлардир. Буюк бобомиз Амир Темурнинг онаси ҳам Буюкдир. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг онаси ҳам Буюкдир.

Тўқсон биринчи йил бизга шодлик олиб келди, оламолам севинч олиб келди. Мустақиллик! Унинг завқини сўз билан таърифлаб бўлур эканми?! Истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» дея башорат қилдилар. Ўша келажаги буюк давлатнинг фарзандлари ҳам буюк бўлади. Буюк фарзандларни буюк оналаримиз дунёга келтиради, тарбиялайди. Бугунги ўзбек, Ўзбекистон аёлининг зиммасида ана шундай улуғвор вазифа турибди.

Бугунги ўзбек аёли ким? Бугунги ўзбек аёлининг бир елкасида уй-рўзғор, болачақа ташвишлари, бир елкасида дунё ташвишлари. Бугунги ўзбек аёли — олима, шифокор, ўқитувчи, тадбиркор, депутат... Аёлсиз хонадон бўлмаганидек, аёл зоти фаолият юритмаётган касб-кор ҳам йўқ.

Донишманд айтади, «аёлнинг бир қўли бешикни тебратса, иккинчиси оламни тебратади». Ўша бир қўли билан бешикни тебратаётган аёл меҳр билан аллалар айтиб, боласининг қалбига, мурғак юракка нетъдод ургуларини сепаяпти. Аёлимиз, Онамиз ўзининг ҳаётдаги мавқеини жуда яхши билади — Оналик, оила бекалиги. Иккинчи қўли билан оламни тебратаётган аёл ўзининг давлат, жамоат ишларидаги фидокорона меҳнати, фаолияти билан дунёни забт этмоқда.

Боболаримиз момоларимизни бошида кўтариб юришган. Акаларимиз оналаримизни жонидан ортиқ яхши кўришган. Укаларимиз сингиллари учун ҳеч нарсадан қайтишмайди.

Шу маънода юртимизда аёлга ҳурмат, аёлга иззат энг юқори даражада десам, муболаға қилмаган бўламан. Юртбошимизнинг аёлларга бўлган муносабатида халқимизнинг муносабати акс этиб турибди. Президентимиз аёлларга чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг рамзи сифатида 1999 йилни Аёллар йили, деб эълон қилди.

Фарғоналик ўқитувчи Манзура Мадалиева, наманганлик шифокор Ойшахон Қўчқорова, қорақалпоғистонлик шифокор Аниса Саитова, бухоролик зардўст Муяссар Темуроваларга Президентимиз Фармонларига биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Ўзбекистон — аёллари қаҳрамон юрт.

Биз ким бўлишимиздан қатъи назар фарзандларимиз. Туғилган кунимиздан бошлаб оналаримиз бешиклар тепасида бедор, алла айтиб, оқ ювиб, оқ тарайди. Оқ сут бериб, меҳр бериб парваришлайди.

Биз фарзандлар онамизнинг бир кунлик бизга сингган меҳрини умр бўйи уза олар эканмизми?!

Ниятимизни шоир сўзлари билан ифодалаймиз:

Дилда неки журъатим бор,
Дилда неки ҳаяжон,
Бари, бари сенга бўлсин,
Сенга бўлсин, онажон.

Бир нарса аниқ: ишларимиз ривожи оналар меҳри туфайлидир, ютуқларимиз асоси оналар меҳри туфайлидир.

Бугун қўлга қурол олиб, Ватан ҳимояси йўлида ўз йигитлик бурчини юракдан ўтаётган ўғлонларимиз — аскарларимиз қалбига Ватан ҳиссини, Ватан туйғусини Она солгандир. Кеча демай, кундуз демай, иссиққа ҳам, совуққа ҳам парво қилмай ўз офицерлик касбини шараф билан ўтаётган ҳарбийларимизнинг Ватанга муҳаббатини уйғотган зот — Онадир.

Биларни жасоратга, фидойиликка ундаётганлар Аёлларимиз — Оналаримиздир. Оналаримиз бор — биз бор.

Бугун қутлуғ кун. Меҳри дарё онажонларимиз, опа-сингилларимиз, аёлларимизнинг улуғ байрами — 8 март — хотин-қизлар куни!

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Капитан А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● МУНОСАБАТ

ЭЗГУ ИШЛАР КУТМОҚДА

«Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Февраль воқеалари» мақоласини ўқиб 16 февраль куни пойтахтимизда бўлиб ўтган портлашларнинг моҳиятини, уни кимлар амалга оширганлигини, бу кимларга керак бўлганлигини теранроқ англадим.

Мақолада шундай фикрлар бор: «Келажаги буюк давлат қурямиз. Инсоф билан айтганда, етти йилда етмиш йилда қилинмаган ишлар қилинди. Бу мақсадларга бутун халқ кучи ва иродаси туфайли эришилди. Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», деган шиорни айнан халқимиз идроки, салоҳиятига ишониб ўртага ташлаганлар. Ўз-ўзидан аёнки, энди одамларнинг ўзлари фаол бўлишлари, ҳаётни онгли қабул қилишлари, жамиятдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олишлари, шу тариқа мамлакат равнақи, ҳаёт ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилишлари лозим. Сирасини айтганда, халқ билан оломон ана шу жиҳатига кўра фарқланади».

Февраль воқеалари бизни халқ эканлигимизни, миллат сифатида шаклланганлигимизни яна бир карра исботлади. Бизни ваҳимага солмоқчи бўлганлар, кўрқитмоқчи бўлганлар ниятларига эришмади, эриша олмайди ҳам.

Бизни олдда эзгу ишлар кутмоқда. Ана шу эзгу ишларни амалга ошириш учун янада жипслашган ҳолда биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Ҳамма вақт ҳам яхшиликка, бунёдкорликка ҳалал бермоқчи бўлган кимсалар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Шунинг учун бепарво бўлмаслигимиз зарур. Мақола бизни огоҳликка даъват этмоқда.

Муддатдан ташқари хизмат старшинаси
Зоҳид ИБРОҲИМОВ.

Қуролимиз—маънавият бўлсин!

Яқинда Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртида жамият ва Қуролли Кучларнинг ҳозирги замон тараққиёти босқичида шахсий таркибни маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Маълумки, Юртбошимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида маънавиятнинг, маънавий тарбиянинг нақадар устувор бир вазифа эканлигини алоҳида таъкидлагандар.

Айниқса, ёш авлодни истиқлол ғояларига содиқ қилиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотишда маънавиятнинг ўрни беқиёс. Негаки, бу неъматнинг замирида буюк тарихимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, қолаверса, ўзлигимиз мужассам. Бўлғуси офицер бу тушунчаларни яхши англамас экан, қандай қилиб унинг ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлишини тасаввур этиш мумкин?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиздаги нуфузли ҳарбий ўқув муассасаларидан бири бўлган Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртида бу борада олиб борилаётган ишлар мақтовга арзигулик. Ижтимоий-сиёсий машғулотлар хонасининг жиҳозланишидан тортиб, сабоқларни ўтиш савиясигача бари талабга жавоб беради. Курсант, сержант, прапорщик ва офицерлар иштирокида бўлиб ўтган ушбу анжуман ҳам бу йўналишдаги ишларнинг узвий давоми эди.

Анжуманни билим юрти бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари полковник А. Богма очди. Шундан сўнг сўзга билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник А. Филиппенко чиқди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори Абдусалом Йўлдошевнинг маърузаси эса йиғилганларда айниқса катта қизиқиш уйғотди. У ўз сўзида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мазкур анжуманда билим юрти ижтимоий фанлар кафедрасининг ўқитувчилари подполковниклар — М. Мирюсупов, В. Маслов, майор А. Сотиволдиевлар маруза қилдилар.

Анжуман ниҳоясида полковник А. Богма шундай деди: «Бу масала ўзининг мазмун-моҳияти билан жуда ҳам долзарб. Ўзингиз ўйлаб кўринг, маънавий кемтик одам қандай қилиб халқини, Президентини, мустақиллигини ҳимоя қила олади. Маънавий тарбияда бўшлиқ вужудга келган-ки, 16 февраль фожиалари содир бўлди. Ёт ғоялар гирдобига тушмаслигимиз учун ҳам юксак маънавиятга эга бўлмоғимиз лозим».

Маънавият ёшларимиз онгига чуқур илдиз отиши бу бир кунлик иш эмас. Ҳар куни уларга бу борада таълим-тарбия бериб боришимиз, онгига сингдиришим лозим. Зеро, Президентимиз ҳам деярли ҳар бир маърузаларида бунга урғу берадилар. Демакки, Қуролли Кучларимиз эртаси бўлган офицерларни тайёрлаётган ҳарбий ўқув муассасаларимиз мазкур йўналишдаги ишларини яна-да жонлантиришлари талаб этилади. Ахир умид билан экилган ниҳол яхши ҳосил бериши учун астойдил парвариш керак-да!

А. САФАРОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

Латофатли алоқачи

Мўътабар онажонларимиз-у, мунис опа-сингилларимизнинг қутлуғ байрамлари арафасида Қуролли Кучларимиз таркибида азиз Ватанимиз ҳимояси йўлида фидокорона хизмат қилаётган аёл-қизлар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур қисмга ташриф буюрдик. Қисм ҳудудига кирганимизда ҳовлининг тўрида жангчилар билан ишлаётган бир аёлга кўзимиз тушди. Этнига бежиримгина ҳарбий либос ярашиб турган аёл шудгорланган майдон чеккаларига манзарали дарахтларни ўтқазишда сержант ва оддий аскарларга бош-қош бўлаётган экан.

Қисм штабига борадиган йўлак теварагига янгидан атиргул кўчатлари ўтқазилганини кўриб эса бугун улар талайгина иш бажаришгани фаҳмладик. Қийғос гуллаган ўрик дарахтлари тагидаги майсазор ҳам ҳозиргина тозаланибди. Яна бир посбон эҳтиёткорлик ила дарахтлар пастки қисмини оҳаклаб чиқмоқда. Хуллас баҳорги юмушлар авжида экан.

— Ҳорманглар. Аёлнинг қўли теккан жой жаннат маконга айланади, деганларича бор. Қандай ажойиб, борлиқни хушманзарага айлантирибсизлар,— дейман ўша аёлга, ўзимизни таништирар эканман.— Балким шунга айтсалар керакда, жаннат— аёллар оёғи остидадир, дея.

— Йўғ-э, шунчаки атроф муҳитни тозалаб, ўзимиз лозим кўрган кўчатларни ўтказяпмиз, холос,— деди у мурожаатимизга камтарона жавоб бераркан. У бетонли йўлакни бамисоли янги келинчаклардек, чиннидек қилиб супуришда давом этади.

— Узр, бу ишимни тезроқ тамомлашим керак, акс ҳолда сменадан кечикаман.

Беихтиёр унинг либосидаги кўшин турини кўрсатувчи белгига қарайман, демак алоқачи экан. Биз уларнинг ишига ҳалал бермаслик учун штаб томон йўл олдик. Штаб бошлиғи катта лейтенант Эркин Ҳакимов билан самимий суҳбатлашдик. У бизга қисмдаги шахсий таркибнинг кундалик хизмати ва қўлга киритилаётган ютуқларда ҳарбий аёл-қизларнинг баҳоли қудрат ҳиссаси борлигини ўзгача фахрла таъкидлади.

Айниқса, катта алоқачи муддатдан ташқари хизмат катта сержанти Фарида Ҳайдарова ҳамда алоқачи муддатдан ташқари хизмат сержанти Дилфуза Баҳромовалар ҳақида илиқ гапларни айтди. Уларнинг тун ёки кун демай шахсий таркиб билан бир сафда намунали хизмат қилаётганликларидан қисм қўмондонлиги миннатдор эканлигига алоҳида урғу берди.

Шу куннинг қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш ниятида алоқачилар тармоғига ўтдик. Не кўз билан кўрайликки, ҳалиги жавлон уриб меҳнат қилаётган «деҳқон аёл» ўзининг алоқачилик бурчини ўташга масъулият ҳисси ила киришиб кетибди. Унинг ёркин чеҳрасидан жиддийлик, зийраклик ва хушёрлик аломатларини илғаш қийин эмасди.

— Фарида Ҳайдарова мана еттинчи йилдирки қисмимизда ҳалол меҳнат қилаётир,— деди штаб бошлиғи. — Алоқачилик соҳасининг сир-синоатларини мукаммал ўрганган мутахассис. У нафақат латофатли алоқачи, балки ўзининг чин инсоний фазилатлари билан ҳам ёш-у, каттанинг ҳурматини қозонган.

Фарида Ҳайдарова қариб 20 йилдирки ўз тақдирини ҳарбий соҳага боғлаб келаётган аёл. Икки ўғли эса муҳтарама волидалари сингари меҳнаткаш, она заминга, муқаддас юртимизга чексиз меҳрли йигитлардир. Дарвоқе, кенжа ўғиллари шу йил Тошкент шаҳридаги ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейга ўқишга кириш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда. Чунончи, унинг эзгу нияти ҳам ўз оналаридек ёруғ юзли Ватан ҳимоячиси бўлиш.

Биз ким билан гаплашмайлик, улардан Фарида Ҳайдарова ҳақидаги ажойиб фикрларни эшитдик. Улар бу аёлнинг тадбиркорлигию уддабуронлиги, пазандалигию чеварлиги ҳақида дил изҳорларини яшира олмадилар. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва ўз фарзандларининг орзу-ҳаваслари кўришини чин қалбдан тиладилар. Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам уларнинг бегубор тилакларига шерик бўлдик.

Катта лейтенант
Ш. ҲОШИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: муддатдан ташқари хизмат катта сержанти Фарида Ҳайдарова иш устида.

Г. ХАРИТОНОВ
суратга олган.

● НА СЛУЖБЕ СВЕРХСРОЧНОЙ

ВОЕННОЕ СЧАСТЬЕ ОМОТХОН

Написав заголовок, поначалу усомнился и сам — ну разве может счастье быть военным? Как совместить грозное слово «война» с излучающим свет радости и вдохновения словом «счастье»? Однако здесь точнее будет провести параллель не напрямую со словом «война», а с его производным «военный» — то есть человек, чей нелегкий ратный труд посвящен надежной защите мирного труда сограждан.

И тогда все встанет на свои места. Если счастье дехканина — в гордости от взращенного его руками щедрого урожая, то счастье военного — в гордости от защиты плодов этого труда. Простая узбекская женщина Омотхон Ахмедова тоже так считает.

— Планшетист рядовой Ахмедова, — четко представилась она, когда мы встретились на командном пункте во время несения боевого дежурства. Узнав о предстоящей беседе, поначалу смутилась:

— Ну что обо мне писать? Я только первый год служу, есть же планшетисты поопытнее меня — сержант Надежда Прохина, младшие сержанты Гавхарой Юлдашева и Феруза Абдуллаева. Может, с ними побеседуете?

Однако, узнав, что разговор будет больше «за жизнь», все же согласилась. Попросила лишь подождать, когда освободится. И вот уже ее место у планшета заняла одна из боевых подруг, а мы продолжили беседу в комнате отдыхающей смены за пиалой чая.

Оказалось, что ее муж Рахматилло Ахмедов служит в этой же части прапорщиком, а она работала в штабе. В семье растут двое детей — шестилетняя Барчиной и четырехлетний Иззатилло. Конечно, ей было удобнее во всех отношениях оставаться на прежнем месте — восьмичасовой рабочий день, есть время присмотреть за детьми, по дому похозяйничать. И когда поступило предложение командования о призыве, женщина задумалась, решила посоветоваться с мужем. Но тот рассудил как истинный военный, ставящий долг превыше всего.

— Да, нам будет трудновато, но кому сейчас легко живется? — был его ответ.

— И потом, я думаю, что ты справишься, а что касается детей, попросим помочь родителей.

Будучи женой военного — муж уже шестой год в Вооруженных Силах, — Омотхон и раньше жила заботами воинского коллектива, хорошо осознавая всю ответственность службы в Войсках противовоздушной обороны страны. Стоять на страже «воздушных ворот» Родины — это не только нелегкий труд, но и большая честь.

Словом, Омотхон решилась, а время показало правильность принятого решения. Общая военная судьба еще больше сплотила молодую семью — в домашней обстановке супруги делятся друг с другом новостями об успехах своих подразделений, обсуждают проблемы, советуются. Первая благодарность маме за отличное боевое дежурство, поощрение папы — все это радует и детей, а поводов для таких небольших семейных праздников предоставляется немало: по отзывам командования, служат Ахмедовы образцово.

Обычная военная узбекская семья, живущая душа в душу, посвятившая себя нелегкому ратному труду во имя обеспечения независимости и суверенитета страны. И таких семей встречалось немало автору на его журналистских путях-дорогах. Поначалу было несколько непривычно — узбекская женщина, чье призвание зачастую ассоциируется с ролью хранительницы домашнего очага, носит военную форму. Но затем подумалось: да, соблюдать вековые традиции и обычаи надо, но ведь и Родину защищать — тоже. Идеи независимости и ответственности за судьбу суверенного Узбекистана изменили отношение и к этому устоявшемуся стереотипу мышления. А объявление Президентом страны 1999 года Годом женщин показало всему миру, что в демократичном, независимом Узбекистане женщина имеет во всем равные права с мужчиной. Не будем даже приводить примеры о женщинах-хокимах, других руководителях — представительницах прекрасного пола, а просто представим себе простую узбечку в военной форме, с погонами на плечах. Такую, как рядовой сверхсрочной службы Омотхон Ахмедова. Наверное, в этом и состоит их военное счастье — в возможности наравне с мужьями, с достоинством и честью выполнять священный долг любого гражданина нашей страны по защите Родины.

Возможно, первый праздник весны и всех женщин — 8 Марта — Омотхон придется встречать не дома, а с подругами на боевом дежурстве: служба есть служба. Но даже и тогда глава семейства с сыном найдут способ преподнести ей (и Барчиной) цветы — хотя мама и в форме, она, прежде всего, остается для них женщиной.

Капитан А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ДИЛ СЎЗЛАРИ БИР УМРГА ТАРАЛСИН!

Аёл — оила бахти, фарзанди бахти учун ҳар қандай қийинчиликка дош бера оладиган метин ирода эгаси. У фарзанд иқболи учун тоғни талқон қилишга қодир қудратга эга она. У суюкли ёр, гул каби нозик, қалби ҳамиша тинчлик ва гўзаллик шайдоси. У мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг фидойи бунёдкори.

Қуролли Кучларимиз жанговар тайёргарлигини ҳам ана шундай ҳад-ҳудудсиз салоҳиятга эга аёлларсиз тасаввур этиш мушкул. Аёл — она-Ватанимиз ҳимоячисидир. Бунда ҳеч қандай киноя ва муболаға йўқ. Аёллар, дарҳақиқат, онламиз, жамиятимиз, Ватанимизнинг энг содиқ ҳимоячиларидир.

Муддатдан ташқари хизмат кичик сержанти Замира Аҳмедова хизмат қилаётган алоқачилар бўлинмаси жамоаси ҳам асосан ҳарбий аёлларимиздан иборат. Алоқачи қизларимиз туну кун жанговар постларда, десак янглишмаймиз. Биз — офицерлар, баъзан мулойим, баъзан эса зардали оҳангда мурожаат қилсак-да, сабр-қаноатли алоқачи қизларимиз ҳамиша одоб билан зарур абонентни улаб берадилар. Ҳеч қачон нолимайдилар, фақат...

— Фақатгина чарчаб турганингда баъзилар қўпол муомала билан алоқага чиқиб, дилингни оғритади, холос, — дейди кичик сержант Замира Аҳмедова қўли алоқа пультидан бўшамай. — Лекин кўпчилик бунга дарров фаҳмлаб, кечирим сўраб қолади. Кўнглинг яна нурга тўлади. Чарчоқлар ёйилади...

Кичик сержант Замира Аҳмедова билан суҳбатлашар эканман, унинг қўли қўлига тегмас, бир минут бўш вақти йўқ эди. Ора-орада саволларимга қисқа-қисқа жавоб берар, тўлиб-тошиб гапиргиси келарди-ю, навбатдаги қўнғироқ бунга йўл қўймасди.

— Хизматга эндигина келганимда бир оз қийинроқ бўлган эди, — дейди Замира тез-тез гапирар экан. — Ҳозирда, ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Ҳаммаси жойида... Кечирасиз...

Замира яна телефон трубкасини кўтарди.

— Лаббай... Марҳамат...

Алоқачилар бўлинмаси жуда аҳил, иноқ. Ҳар бир байрам катта тантана, шоду хуррамлик билан нишонланади. Бу йил бўлинма жамоаси ҳам халқаро Хотин-қизлар байрами — 8 март айёмига алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, Аёллар йилида аёлларимизга ҳар қанча ҳурмат-эътиборли бўлсак ҳам оз. Шу гуфайли, бўлинма офицер-командирлари ҳам алоқачи қизларга байрам совғалари ҳозирламоқдалар. Маданий тадбирлар режалаштирилмоқда. Байрам куни алоқачи қизларга эсдалик совғалар ва албатта, анвойи гуллар тақдим этилади.

Энг муҳими эса хотин-қизларга бағишланган энг самимий дил сўзлари айтилади. Шуни истардикки, ушбу дил сўзлари фақатгина 8 мартда эмас, фақатгина Аёллар йилида эмас, балки бир умр забонимиздан тушмасин.

Катта лейтенант
Ш. ИКРОМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: кичик сержант Замира Аҳмедова хизмат пайтида...

Г. ХАРИТОНОВ
суратга олган.

КРАСОТОЮ ДУШИ ОТЛИЧИМА

В пенсионном отделе людно. У каждого свои проблемы. И каждого надо приветливо встретить, выслушать, помочь. Большинство посетителей — люди преклонного возраста. А у них душа особенно ранимая.

Вот в кабинет зашел седобородый старик.

— Заходите. Садитесь, пожалуйста.

— Спасибо, доченька. Дай бог тебе здоровья.

— Что вас к нам привело?

— Да вот в собесе никак не могут мне правильно подсчитать пенсию. Говорят, какая-то еще справка нужна от вас, — с этими словами старик протянул бумагу.

Служащая Вооруженных Сил Наталья Медведева, прочитав заявление, попросила чуть подождать и повернулась к компьютеру. Она быстро отыскала нужные сведения и уже через несколько минут протянула ветерану войны необходимую справку. Обрадованный тем, что его вопрос решился так быстро, аксакал долго благодарил Наталью, желая ей, её родителям и семье здоровья, многих лет жизни.

В пенсионном отделе Управления по делам обороны Ташкентской области Наталья Медведева работает уже около 4-х лет. Понятно, что вначале ей нелегко было вникнуть в дела. Надо было изучить множество различных постановлений, приказов, директив. И не просто изучить, но и досконально знать.

Поэтому когда в отделе появился компьютер, она быстро научилась работать на нем и ввела туда все необходимые данные. Сегодня ей нет необходимости каждый раз, как бывало раньше, бегать в архив, искать личные дела. Ответы на все вопросы она находит теперь через компьютер.

— Сейчас у нас никто долго не ждет, — говорит Наталья. — Что ни говори, а привыкли наши люди за каждой справкой неделями обивать пороги. Мы же стараемся все вопросы решать быстро.

Конечно, не всегда все бывает гладко. Характеры-то у людей разные. Бывает, что иные приходят и требуют то, что им не положено.

— Начнешь объяснять, — рассказывает Наталья, — а они сразу крик поднимают, обещают написать жалобы в разные инстанции. Но у нас-то закон один на всех. И я не могу переступить через него. Вот и стараюсь спокойно всё разъяснить, чем-то помочь.

Редко кто уходит из отдела недовольным. Всем найдет доброе слово Наталья Медведева. В любой ситуации сдерживает себя. Потому что знает: раз сорвешься, другой, так это может и в привычку войти. Понимает, что к ней приходят не только за помощью, но иногда для того, чтобы высказаться, поделиться сокровенным.

Для работы с людьми, считает Наталья, нужны чуткость, душевная теплота и терпение. Не случайно, что именно к ней часто обращаются сослуживцы. И не только по работе. Ведь Наталья — еще и хорошая хозяйка, мама, жена. Всегда может поделиться интересным кулинарным рецептом, посоветовать в каком-либо житейском вопросе.

Говорят, что человек должен быть красив, прежде всего, душой. И эти слова как нельзя более подходят к нашей героине — Наталье Медведевой.

Л. АБДУРАХМАНОВА.

● СТАНОВЛЕНИЕ МОЛОДЫХ ОФИЦЕРОВ

ПОСТИГАТЬ АЗЫ НА ПРАКТИКЕ

Как часто случается так, что закончив вуз и поступив на работу, молодые люди со страхом сознают: учился-то неплохо, соображал хорошо, а применить свои знания в деле, направив их в нужное русло, бывает сложно. Так случилось и у лейтенанта Ильхома Бегимова.

Получив назначение на должность начальника продовольственной и вещевой служб и получив в свои руки бразды хозяйствования, он поначалу оказался в некотором замешательстве. «Теория — это одно, но практика оказалась вещью гораздо более сложной»,— признается Ильхом.

Вопросы, связанные с ведением документации, учета и хранения продовольственных и вещевых запасов, вопросы оборудования складов и хранилищ, ежегодного пополнения запасов — все это для лейтенанта Бегимова казалось огромной работой, с которой ему будет очень сложно справиться. Но, благо, рядом оказались люди, всегда готовые помочь и словом, и делом. Такими наставниками стали для него подполковник И. Бешимов, капитан О. Шукуров и старший лейтенант Р. Пардаев. Они помогли молодому лейтенанту справиться с этой растерянностью, не запаниковать, позабыв некоторые полученные знания.

Постепенно все стало вставать на свои места. Сказалось и то, что лейтенант Бегимов имел достаточный и, как признает его руководство, глубокий запас теории.

Он — выпускник Самаркандского военного лицея, а в последствии — СВВАКИУ.

Сегодня Для Ильхома позади те дни, когда он только вживался в новую для него жизнь. С возложенными на него обязанностями он справляется вполне, но прислушаться к советам старших всегда рад. Научился управлять вверенным ему хозяйством. К тому же у него есть замечательные, как сказал лейтенант Бегимов, помощники. Его «правая рука» — это начальник вещевого склада прапорщик Т. Эсанов и начальник продовольственного склада старший сержант сверхсрочной службы Н. Худойбердыев. «Мне легко с ними работать, они хорошо знают свое дело, исполнительны, добросовестны. Мы, можно сказать, слаженное «трио», где не бывает размолвок. Это, я думаю, самое главное, чтобы хорошо работать»,— говорит Ильхом.

Что еще помогает лейтенанту Бегимову справляться с трудностями, которые, конечно же, возникают в службе? «Мечта,— улыбается Ильхом.— Я с 14 лет мечтал стать только военным. Может, потому, что мой отец работал среди военных, или то, что брат отца был военным,— точно не знаю. Но всегда видел себя в военной форме. Мне нравится армейский уклад жизни. Осознание того, что мечта моя сбылась и помогает мне в трудные минуты. Да и вообще, защита Родины — это долг каждого мужчины. Профессия военного — это ответственная, но замечательная профессия. Работа для настоящего мужчины».

Думаю, что несогласных с лейтенантом И. Бегимовым найдется не так уж много. Никто не спорит — у всех своя мечта. Надо идти к ней, добиваться ее. Но главное— не забывать, что защита своего Отечества — долг каждого гражданина.

И. САЙФУТДИНОВА,
корр. «Ватанпарвара».

МЕСТО СЛУЖБЫ — АЭРОДРОМ

Посланец Андижанской области младший сержант О. Тургунов, отправляясь в армию, даже не предполагал, что местом его службы станет военный аэродром. Дело в том, что парень с малых лет жил мечтой о небе, а тут ему предоставилась прекрасная возможность поближе познакомиться с военными летчиками — людьми героической профессии.

Конечно, юноша понимал, что прибыл сюда не на экскурсию — службу в составе аэродромно-эксплуатационной роты легкой не назовешь. Там, где все связано с обеспечением безопасных и бесперебойных полетов военной авиации, требуются особая собранность и точность в выполнении данных командирами приказаний.

Однако младший сержант О. Тургунов показал себя достойным своей мечты — стал классным специалистом в избранной воинской профессии.

Готовясь к увольнению в запас — уже весной ему предстоит прощание с родным коллективом — младший сержант О. Тургунов воспитывает себе достойную замену в лице рядовых Х. Кулдашева и М. Абдунабиева: оба воина в настоящее время исполняют обязанности командиров отделений.

И даже неважно, станет ли младший сержант О. Тургунов летчиком, как мечтал. Главное — за время службы на аэродроме он сполна познал цену воинскому братству, проникся уважением к нелегкому призванию защитника Родины — независимого Узбекистана.

Прапорщик
У. БОБОКУЛОВ.

ЯХШИ АСКАР

Оддий аскар Ином Бўронов сирдарёлик. Шу ерда туғилган, шу ерда ўқиган, шу ерда воғга етган.

— Қишлоғимни севаман, — дейди у. — Ҳамқишлоқларимни жонимдан ортиқ кўраман. Хизматга келган дастлабки кунларимданоқ ота-онамнинг, ҳамқишлоқларимнинг юзини ерга қаратмаслик учун яхши хизмат қилишга ҳаракат қилдим. Ортда қолган ойлар, йиллар гувоҳ: яхши аскар бўлдим.

Яхши аскар, моҳир танкчи Ином Бўронов яна бир неча ойлардан кейин қадрдон қишлоғига, ота-онаси бағрига қайтади. Аммо у ҳозир тезроқ муддати тугашини эмас, қишки мавсум ўқув машғулотларини пухта ўзлаштириб, фақат аъло натижаларни қўлга киритиш ниятида фидокорона хизмат қилмоқда.

Капитан А. БАЙРАМОВ.

Суратда: оддий аскар И. Бўронов.

Г. ТИТАРЕНКО суратга олган.

Военно-политические новости

СОВМЕСТНЫЕ УЧЕНИЯ

Ожидается, что пять кораблей французского флота будут участвовать в этом месяце в учениях совместно со своими индийскими коллегами. Это будут первые морские учения Индии, проведенные совместно со страной-членом Совета Безопасности ООН после ядерных испытаний, проведенных Индией. По всей вероятности, для участия в этих маневрах Франция впервые выставит авианосец средней мощности «Фердинанд Фош».

ОҚ УЙ КЎРСАТМАСИ

АҚШ ҳамда Буюк Британия ҳарбий самолётлари «Саҳродаги тулки» операцияси бошлангандан буён Ироқ объектларига 50 маротаба зарба берган.

АҚШ президенти Билл Клинтон мамлакат конгрессменларига бу ҳақда ахборот берар экан, Ироқдаги аҳвол ҳанузгача ўнгланмаганини, инсон ҳуқуқлари ҳамон топталаётганини таъкидлади. Ироқ президенти Саддам Ҳусайн нафақат мамлакат халқини қийин аҳволга солмоқда, балки у минтақа ва халқаро хавфсизликка ҳам путур етказмоқда, деди ўз ҳисоботида АҚШ президенти.

Маълумотда айтилишича, Оқ уй маъмурияти Ироқ осмонида патруллик хизматини ўтаётган учувчиларига Багдоднинг ҳар қандай қарши ҳужумига жавоб қайтариши зарурлиги ҳақида кўрсатма берган.

НУЖНА ЛИ АРМИЯ МОНГОЛИИ?

Любые высказывания, имеющие место в последнее время, относительно того, нужна ли Монголии армия или нет, являются необоснованными. И это, прежде всего, подтверждено Основным законом государства, в котором четко сказано, что «Монголия имеет свои вооруженные силы, способные защитить страну». Так считает госсекретарь министерства обороны Монголии. Он опроверг распространяемые слухи о том, что якобы в настоящее время в монгольских вооруженных силах не выплачивается заработная плата и нет достаточных запасов продовольствия.

ЧОРА КЎРИШГА ЧАҚИРДИ

Ироқ ҳукумати БМТ Бош котиби ҳамда Хавфсизлик кенгашини АҚШ ва Буюк Британиянинг мамлакатга ҳаводан зарба беришига қарши тегишли чоралар кўришга чақирди. Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Саҳҳофнинг Кофи Аннан номига юборган мактубида айтилишича, АҚШ жанговар авиациясининг мамлакат шимолидаги нефть станциясига зарба бериши «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури асосида хорижга «қора олтин» экспорт қилинишига қарши қаратилган. Мазкур нефть станциясига катта зарар етказилгани Ироқ ҳукуматининг ўз халқини боқиш учун қўшимча маблағ топишига тўсқинлик қилади, дейилади мактубда.

РАСТУТ ВОЕННЫЕ РАСХОДЫ

На 800 млн. долларов возросли за год расходы стран Африки на военные нужды. Главная причина роста военных расходов, говорится в ежегодном докладе «Военный баланс 1998/99» лондонского Международного института стратегических исследований, — новые вооруженные конфликты на континенте. Именно это вынуждает страны тратить на оборону 3,3 проц. своего валового внутреннего продукта.

ХИТОЙ ҲАРБИЙ ХАРАЖАТИ

Хитойнинг бу йилги ҳарбий мақсадлардаги харажати 104,65 миллиард юанни (1 АҚШ доллари — 8,3 юан) ташкил этади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси ХХР молия вазири Сян Хуайчэннинг маърузасида келтирилган маълумотларга асосланиб шу ҳақда хабар қилди.

Ўтган йили ХХРнинг ҳарбий мақсадлардаги харажати 90,99 миллиард юанни ташкил этган эди. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, мудофаа ишларига мўлжалланган харажатларнинг оширилиши Хитой ҳукуматининг мамлакат қуролли кучларини замонавийлаштириш суръатини тезлаштиришга қаратилган сиёсатининг натижасидир.

По материалам информационных агенств.

ҲАРБИЙ ҚИСМ ОНАСИ

Тушликка яқин вертолётчилар қисмига етиб бордик. Қарангки, биз борган кун учувчилар полигонда жанговар машғулотларни амалга оширишар экан. Чамалаб кўрсак, то дала-ўқув машғулоти бошланишигача посбонлар билан суҳбатлашишга оз-моз вақт бор. Ҳамроҳимиз капитан Шавкат Ҳасанов бизга йўл бошлади. Шавкат ака йўл-йўлакай қисмда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида бизга сўзлаб бериб, командирнинг ташаббускорлигига урғу берарди. Шу пайт казарма ёнида аскарга бир нарсаларни ҳадеб уқтираётган аёлга кўзим тушди. Ҳамроҳимнинг гапларига бош ирғасам-да, хаёлим бенхтиёр ўша манзарага кетди. Ҳалиги аёл энди узоқроқдаги бир посбонга кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, танбеҳ берди. Орадаги масофа қисқариб борарди. Опа ҳам биз томонга қараб секин одимлай бошлаган эди. 4—5 та посбон уни етиб ўтиб: «Ассалому-алайкум», деди. Ҳамроҳим ҳалиям ютуқлар ҳақида тўлқинланиб гапирарди. Шунда мен капитан Ҳасановнинг гапини бўлиб, сўрадим:

— Опа, шу қисмда ишлайдиларми?

— Ҳа-а. Зуҳра опами, шу ерда, албатта.

Опа билан орамиздаги масофа жуда яқин қолганлиги учунми Шавкат ака гапини давом эттирмади.

— Одобнома машғулотингиз тугадими, Зуҳра опа— деди капитан Ш. Ҳасанов биз томонга келаётган аёлга ҳазиллашиб.— Қисмимизга журналистлар келди. Мана улар билан бирга юрибман.

Зуҳра опа биз билан аёлларга хос мулойимлик, назокат-ла сўрашди. Опа қайсидир жиҳатлари билан менга онамни эслатди. Кўзларидан, юзларидан ёғиб турган меҳрми, самимиятлиликми, билмадим. Ёки ундаги оналик ҳисси қалбимни илитаётгани учун волидамга ўхшатаётганмиканман?

Шошилиб бораётганимиз учун ҳам Зуҳра опа Қурбонова билан бамайлихотир суҳбатлаша олмадик. Йўл-йўлакай капитан Ҳасановдан опа ҳақида сўрай бошлайман.

— Зуҳра опа қисмимизда хотин-қизлар қўмитасининг раиси. Жудаям ташкилотчи аёл. У командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича менга ўхшаган ўринбосарларига ҳам иш қолдираяпти,— яна ҳазилга бурди у.

Мўлжаллаган ишларимни тугатиб бўлгач, опанинг қисм меҳмонхонасида жойлашган кабинетига бордим. Ишга кўмилиб ўтирган эканлар «кираверинг, эшик очиқ», дедилар менга аҳамият бермай.

— Мен бемаврид келдим шекилли, балким кейинроқ...

— Йўқ-йўқ айни вақтида келдингиз, ўртоқ журналист. Бир нарсада сизнинг фикрингиз керак эди,— деди Зуҳра опа.

Билсам, опа «Қувноқлар ва зукколар» танловининг сценарийси устида бош қотираётган экан. Бу борада фикрларимни, мулоҳазаларимни билдиришга қизиқиб кетиб, Зуҳра опа ҳақида мақола ёзишга келганимни ҳам унутиб қўйибман. Ниҳоят мақсадимни унга айтдим, лекин унамадилар. Журналист эмасманми, иши, онласи ҳақида қизиққандай бўлиб, саволлар бера бошладим. Гапни айлантириб, казармадаги воқеадан бошладим.

— Биласизми, мен қандай лавозимда бўлишимдан қатъиназар, аввало онаман. Посбонларнинг бари менинг фарзандларим. Бирининг кўнглини кўтариш керак, бирини қойиб туриш керак. Қолаверса, мен педагогман. Болалар тарбиясида озми-кўпми тажрибам бор. Ҳар куни казармама-казарма айланиб чиқишни канда қилмайман. Уларнинг озодалигини кузатаман, руҳини кўтараман.

— Албатта бу қилаётганларингиз эзгу иш. Аммо у ҳарбий интизомга даҳл қилмасмикан. Ахир қаттиққўллик, мустаҳкам интизом йигитларни чарчлайди-ку.

— Йўқ, асло. Қайтанга бундай тарбия уларнинг ҳарбий низом талабларига риоя этишида муҳим омил. Ўзингиз ўйлаб кўринг, посбон баъзи бир нарсаларни командирига айтишга ботина олмайди. Натижада ҳар хил бўлар-бўлмас ўйлар хаёлини банд этади. Менга эса ўрганиб қолишган. Дарҳол юрагини очишади. Улардаги руҳий ўзгаришни ўзим ҳам дарҳол пайқайман. Энди бир тасаввур қилинг, дардини ҳеч кимга айтолмаган посбон нима қилади, низомга зид хатти-ҳаракат қилади.

Педагог-тарбиячи билан бу борада баҳслашишга ожиз эканман. Қолаверса, унинг гаплари ҳақ эди.

Опага шахсий ҳаёти борасида саволлар бердим, у билан янада яқинроқ танишар эканман, унга ноўрин саволлар ҳам берганлигимни сездим. Негаки Зуҳра опанинг турмуш ўртоғи ҳарбий бўлиб, у мана шу ҳаётнинг ичида бир неча йилдан бери яшамоқда. Ҳали у гарнизонга, ҳали бу гарнизонга хизматга жўнатишлар сабаб, опа шифокор бўлиб ҳам, ўқитувчи бўлиб, боғча тарбиячиси бўлиб ҳам ишлаганлар. Яъни ҳарбий шаҳарчада аёлларга мос қандай иш бўлса киришиб кетаверганлар.

Зуҳра опанинг юзларида бедорликнинг, беҳаловатликнинг излари бор. Ярим тунда жанговар тревога сабаб ёстиқдошини хизматга кузатиб қолишлар, жанговар навбатчилиги пайти мижжа қоқмай чиқишлар, парвоз маҳали гоҳо юрак ховучлаб ўтиришлар, барибари ўз изини солган. Иродали, қатъиятли, матонатли аёлгина ҳарбийнинг умр йўлдоши бўла олади, дейман ўзимча.

— Катта ўғлим Темур институтни аъло баҳоларга тугатиб, ҳозир армияда йигитлик бурчини ўтамоқда. Укаси Артур эса отасига ўхшаб ҳарбий бўлмоқчи,— дейди Зуҳра опа фарзандлари ҳақида гап кетганда.

Зуҳра опа қисмдаги ҳарбий хизматчиларнинг оилавий муаммоларини ечиб, бир неча бор уларнинг раҳматини олган. Ҳарбийлар аёлларини иш билан таъминлашми, бошқа томонлама-ми, қўлдан келгунча ёрдамини аямайди.

Жорий йил давомида амалга ошиши керак бўлган режалар билан танишаман. Режага кўра ҳар бир байрамга тадбир белгиланган. Айниқса, бу йил Аёллар йили эканлиги инобатга олиниб, бу йўналишда алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Яқинлашиб келаётган Халқаро хотин-қизлар байрамига эса тайёргарликлар бўлакча. Яъни мазкур байрамда катта концерт дастури амалга оширилади.

— Маҳалла қўмитаси билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. «Наврўз» айёмида маҳалла қўмитаси ёрдамида тадбир мўлжаллаганмиз. Қисмимиз кутубхонасида ўзбекча китоблар етишмасди. Туман ҳокимлигига бу ҳақда мурожаат этдим. Муаммо ҳал этилиб, посбонларга ўзбек тилидаги янги-янги адабиётлар олиб келиниди. Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Гуломованинг қисмимизга икки бора ташрифи янада руҳимизни кўтарди. Улар мавжуд камчиликларни бартараф этишимизда қимматли фикрларини айтдилар — дея опа суҳбат мавзусини яна иш билан боғлиқ воқеаларга қаратди.

Мазкур қисмда ким билан суҳбатда бўлмай, Зуҳра опа Қурбонова ҳақида фақат илиқ гапларни эшитдим. У қисмдаги барча посбонларни яхши билади. Яхши биладигина эмас, ўз фарзандидай кўради: «Фалончижон, онангизга хат ёздингизми, ўғлим. Нимага кайфият тушкун?» Ҳар куни улар билан суҳбатлашишга вақт топади. Мен Зуҳра опа билан хайрлашиб чиқаётсам, унинг эшиги олдида аскарлар туришган экан. Оналарини дарров соғиниб қолишибди-да, дейман ўзимга-ўзим. Хуллас, Зуҳра опа Қурбоновани ҳарбий қисм онаси демокликдан ўзга сўз топа олмадим.

Катта лейтенант А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

● ЖЕНСОВЕТ В ДЕЙСТВИИ

НАИВЫСШАЯ НАГРАДА— СОЛДАТСКОЕ СПАСИБО

Праздник весны, праздник прекрасной половины человечества члены женсовета, возглавляемого старшиной сверхсрочной службы Салимой Атаметовой, встречают в приподнятом настроении. И не только потому, что в этот день они будут окружены особым вниманием и заботой. Чувство гордости наполняет сердца, осознание того, что в поддержании высокой боеготовности, в установлении в части крепкой воинской дисциплины и правопорядка есть частица и их труда, которая выходит далеко за рамки привычного выполнения функциональных обязанностей.

Диапазон действий женсовета необычайно широк. Какую область деятельности части ни возьми — будь то быт, досуг, медицинское обслуживание и даже боевая учеба, — до всего есть дело женсовету, правда, тому, в котором царят творческая инициатива, желание жить одной жизнью с коллективом, а не быть сторонними наблюдателями происходящего и вместо живой работы ограничиваться лишь формальными планами на бумаге.

Женсовет, о котором идет речь, в этом упрекнуть нельзя, ибо его деятельность у всех на виду, причем не мнимая, не поверхностная, а конкретная, приносящая хорошие результаты. В любом подразделении вам подробно расскажут о славных делах общественниц, оставивших незабываемые следы в памяти как военнослужащих, так и членов их семей.

Это по их инициативе и при непосредственной поддержке командования, с которым у женсовета установлено прочное взаимодействие, проводятся регулярные экскурсии не только по достопримечательным местам города, в котором расположена часть, но и с выездом, например, в Самарканд. Каждая такая поездка — это живое общение с историей родного края, расширение кругозора, масса впечатлений и, наконец, одна из форм духовного и нравственного воспитания молодежи, а это, согласитесь, фактор уже общегосударственного значения. Вот почему подобные мероприятия носят не эпизодический характер, а стали неотъемлемой частью воспитательной работы.

С такой же последовательностью проводят свою работу члены женсовета и по другим направлениям. Благодаря их активному участию долго у всех на слуху была встреча Нового года, где проводился розыгрыш довольно необычной лотереи. Тот, кому достался счастливый билет, мог стать обладателем денежной премии, ценного подарка, а то и... отпускного билета. Что ж, в новогоднюю ночь все мечты сбываются. На славу удалось празднование и Дня защитников Родины, ознаменованное еще и тем, что накануне состоялось чествование отличников учебы. И здесь женсовет не остался в стороне. Умелые руки младших сержантов сверхсрочной службы Замиры Ахмедовой, Венеры Самигулиной, Нодиры Саттаровой и Людмилы Алиевой испекли участникам вечера чудесные торты и массу других кондитерских изделий.

Однако организацией культурно-досуговых мероприятий работа женсовета не ограничивается. В поле зрения его деятельности — много и других аспектов, которые на первый взгляд, может быть, не столь ярко выражены, зато по значимости своей относятся к разряду первостепенных и жизненно необходимых.

Не бывает такого дня, чтобы кто-то из представителей этой общественной организации не побывал в солдатской столовой. И, поверьте, такие посещения делаются не ради проформы. Наряду с медицинскими работниками они контролируют качество приготовления пищи, внимательно следят за тем, чтобы порции строго соответствовали установленным нормам.

— Ведь солдаты — это и наши дети, — говорит Салима Атаметова. — А какая, скажите, мать не будет заботиться о своих детях?

Женская логика в данном случае неоспорима. Ею руководствуются члены женсовета и когда проверяют казарменные помещения, и когда объясняют личному составу необходимость регулярно писать домой, и когда проведывают молодых мам, где добрым словом, советом, а порой и делом помогают им справиться на первых порах с возникшими трудностями.

Как видим, круг обязанностей женсовета действительно обширен. А ведь помимо этого у каждой из этих женщин есть семья и основная работа. Так откуда они берут силы и время, чтобы везде поспеть? Ответ прост: грамотно спланированная работа плюс бережное отношение к каждой минуте как служебного, так и личного времени — вот что помогает этим неуемной энергии женщинам быть всегда там, где нужней всего.

Труд членов женсовета не остается незамеченным. Вот и в канун 8 Марта приказом командира части все они будут поощрены. Однако самой большой наградой считают они для себя то, когда звучит в их адрес идущее от всего сердца солдатское спасибо.

Майор Я. КОРУКА.
Фото Г. ХАРИТОНОВА.

ДОКТОРА, ВРАЧИ, ЦЕЛИТЕЛИ...

Наверняка, каждый, чья жизнь связана с армией, знает поликлинику Центрального военного госпиталя. Старшее поколение военнослужащих, посещающее ее не первый год, встречает среди молодого пополнения ее сотрудников также и тех, кто проработал здесь не один десяток лет.

С 1963 года бессменно работает в регистратуре Надежда Ивановна Медведева. С нее, можно сказать, и начинается поликлиника. Регистрация и учет медкарточек, проверка прохождения военнослужащими ежегодной диспансеризации — вся эта, казалось бы, несложная, но кропотливая работа, требующая внимательности, точности и аккуратности,— на ее плечах.

За тот немалый срок, что Надежда Ивановна работает здесь, многих пациентов она успела запомнить в лицо. Да и сами военнослужащие, особенно те, кто в запасе, всегда задерживаются у окошка регистратуры—побеседовать, спросить совета.

О годах, отданных работе на одном месте, Надежда Ивановна ничуть не жалеет. Так уж вышло, что медиком, как мечтала, она не стала. Но эти тридцать с лишним лет рядом с медициной позволили ей приобрести некоторые знания и опыт для того, чтобы быть домашней медсестрой.

«Коллектив наш просто замечательный,— говорит она.— Нас, давних сотрудников, осталось не так много, и мы очень дорожим нашими отношениями: всегда готовы прийти на помощь друг другу. Ведь нами переэнто сколько! До сих пор вспоминаем 1966 год, год землетрясения, когда приходилось работать и днем, и ночью, на улице... Жаль только, что собраться вот так же, как раньше, в молодости, всем коллективом, удается все реже и реже. У всех уже взрослые дети, внуки, заботы, хлопоты...».

На эту нехватку общения «по выходным» сетует и фармацевт Евгения Петровна Думаева. Она так же, как и Надежда Ивановна, очень любит свою профессию и не считает, что ее специальность — на втором плане.

«Весь персонал поликлиники — это единое целое, — говорит Евгения Петровна,— преследующее одну цель: работать на благо людей, делать все для их выздоровления. И те молодые специалисты, что приходят к нам на работу,— тоже энтузиасты своего дела. Они понимают, как важен в нашей работе профессионализм. Главное — глубоко знать свою работу. Особенно хотелось бы отметить нашу старшую медсестру Мафузу Курбанову. Вот где пример упорства! Ведь она в шестнадцать лет начала работать среди медиков. Закончила медучилище. Любит свою работу, знает ее. Одним словом, мы ценим свою профессию и нам очень приятно слышать от своих пациентов слова благодарности».

Надо сказать, эти слова благодарности не заставили себя долго ждать. Больные, ожидающие своей очереди на прием к терапевту Юлии Марковне Самойлович, отзываются о ней с большой теплотой: «Это внимательный, чуткий, отзывчивый врач. Отличный специалист. И, что немаловажно, человек с чувством юмора. Столько в ней задора, жизненной энергии! Словно слова-



ми исцеляет. В профессии врача это особенно ценные человеческие качества».

Сама Юлия Марковна говорить о себе много не хотела. «Что рассказывать?— удивляется она.— Лечу людей — вот и все. Медицине я отдала более тридцати лет, из них большую половину — этой поликлинике. Но время летит так быстро... Каждый день приносит что-то новое: приходят молодые специалисты, обращаются новые пациенты. Радует, что наши молодые кадры трепетно относятся к своей специальности. Я сама очень люблю свою работу и потому всегда ревностно отношусь к тому, как к ней относится молодежь. Но, должна сказать, смена приходит достойная».

И. САИФУТДИНОВА,
корр. «Ватанпарвара».

ЖАҲОН ВА АЁЛЛАР

ОЧ ҚОЛСА ҲАМ...

Ўзининг парфюмерия ва косметика маҳсулотлари билан дунёга машҳур «Лореал» фирмасининг маълумотларига кўра, жаҳоннинг ҳеч қайси мамлакатида несуэлалик аёлларчалик бўяниншмас экан. Рақамлар билан айтадиган бўлсак, улар даромадларининг 25 фоизини гўзалликнинг сунъий воситаларига сарфлашарканлар. Натижада 1998 йилда ушбу мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нетъмоли 5,6 фоизга камайган.

Маҳсулотларга бўлган бундай эҳтиёж туфайли французларнинг «Лореал» фирмаси Венесуэлада яна 6 та бўлимини очиш арафасида. Яқин йиллар ичида эса мазкур фирма мамлакатда йилига 100 миллион долларлик маҳсулот стказиб беради. Венесуэлалик хонимлар эса бундайин эътибор учун рўзғор харажатларидан яна-да чегиришга тайёр.

ФИДЕЛЬ ҚАСТРОНИНГ ҚАЙСАР ҚИЗИ

Мехикода Куба йўлбошчисининг қизи Алина Фернандеснинг хотиралар китоби нашрдан чиқди. Мазкур китобда Алина мамлакатдаги инқилобдан тортиб, ҳозирги кунгача бўлган ҳаётни ўзича акс эттирган. «Одамлар билсинки, Кубадаги бугунги ҳаёт талабга жавоб бермайди»,— деди Алина журналистларга берган интервьюсида.

Кўриниб турибдики, шаддод, қайсар қиз коммунистик гояга содиқ қолаётган отаси — Фидель Кастро билан келишолмаяпти. Балки ана шу қайсарлиги сабабдан 1993 йилда Алина она-Ватанини тарк этгандир? Нима бўлганда ҳам у ҳозирги ҳаётидан нолимаяпти.

ЭРКАКЛАР БИЛАН БИР САФДА

1988 йилдан эътиборан, Испанияда қуролли кучлар сафида аёллар ҳам хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Маълумотларга кўра, мамлакатда ҳозирда тахминан 1774 нафар аёл ҳарбий хизматни ўтаётган экан.

Шулардан 30 фоиздан эшёдроги сержант ва офицер, қолгани матрос ва оддий аскар бўлиб хизматини ўтамоқда. Эҳтиросга берилувчан, кўнгилчан бўлган аёлларга ҳарбий низом талабларига кўникиш осон бўлмаяпти. Аммо улар хизматдан бўйин товлашганча йўқ.

ГЕНЕРАЛ «ОЖИЗАЛАР»

1997 йилда Американинг қуруқликдаги қўшинлар штаби бошлиғининг ўринбосари лавозимига аёл киши тайинланди. У ҳарбий соҳани ҳар томонлама мукаммал билган Клавдия Кеннеди эди. Муҳими шундаки, Клавдия янги лавозимга тайинланганга қадар генерал-майор унвонига эга бўлган. Мазкур лавозимга келди, ҳамки, унвон бир погонага ошиб, генерал-лейтенант бўлди.

Яна худди шундай унвонга 28 йиллик жанговар хизматлари учун Кэрол Маттер исмли аёл сазовор бўлган эди.

***

1888 йилда Вашингтонда хотин-қизларнинг илк ҳалқаро йиғини бўлиб ўтган.

***

Хотин-қизларнинг Халқаро демократик федерацияси 1975 йили Халқаро хотин-қизлар йили, деб эълон қилишни БМТдан талаб қилган. Бу талаб амалга ошганидан хабаримиз бор. Шунингдек, 1976 йилдан 1985 йилгача бўлган даврни хотин-қизлар декадаси, деб номланганидан ҳам.

***

1995 йили Пекинда тўртинчи Умумжаҳон хотин-қизлар конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда 12 та муҳим жабҳа ва муаммоларни ўз ичига олган ҳаракат платформаси қабул қилинди.

Катта лейтенант Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

АЁЛЛАРГА ТАЪЗИМ

Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишлаб «Асакаёр» ҳиссадорлик жамиятида «Сен буюксан, муқаддас аёл» мавзусида тантанали кеча бўлиб ўтди. Баҳор таомлари ва Шарқ ширинликлари билан безатилган тўкин дастурхон атрофида корхонада хизмат қилаётган хотин-қизлар, кўп йиллар шу ерда меҳнат қилиб, эндиликда фахрийлик гаштини сураётган мўътабар онахонлар дилдан суҳбат қурдилар.

Санъаткорларнинг дилрабо қўшиқ ва куйлари кечага алоҳида завқ ва шавқ бағишлади.

ЎзА.

ИЖОДКОР АЁЛЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Ўзбекистон аёллари ижоди» фестивали очилди. Аёллар йилига бағишланган ва Президентимиз имзоси билан тасдиқланган аёллар манфаатларини амалга ошириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури асосида ташкил этилган бу тадбир очилишида маданият ва санъат арбоблари, рассомлар жамоатчилик, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова фестиваль кўргазмасини очар экан, юртимизда аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, болалар тарбияси билан шуғулланиши тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётганини таъкидлади. Бу йил Юртбошимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилиниши бунинг яна бир яққол далили бўлди.

(ЎзА).

● В ТВОРЧЕСКИХ КОЛЛЕКТИВАХ

Что за праздник без песен

Хор ветеранов войны и труда, созданный при фонде «Нуроний» Акмаль-Икрамовского района г. Ташкента, известен нашим читателям. О нем мы уже рассказывали на страницах газеты (см. № 16). С приходом весны в коллективе царит предпраздничная атмосфера — артисты готовятся к Международному женскому дню.

Да, пришла весна и принесла свои хлопоты в этот творческий коллектив. Подготовка новой программы репетиции — каждый день насыщен до предела. Ведь впереди немало праздничных концертов. Все работают легко, непринужденно зажигательно, с хорошим настроением.

В репертуар программы, посвященной Дню 8 Марта, включены такие песни, как «Цветы, Узбекистан!», «Она Ватаним», «Онажон», «Милый край» и другие, которые исполняются на государственном языке. Участницы хора понимают: песни о Родине, спетые от чистого сердца, всегда притягательны, всегда близки и дороги людям, где бы они ни родились, на каком бы языке ни говорили. И поэтому в каждую песню стараются вложить всю свою душу.

А петь они умеют. Им хорошо удаются песни раздольные, проголосные, а также подвижные, шуточные. Исполнительский задор и темперамент, артистизм и прекрасные вокальные данные — непременные компоненты творческого облика коллектива.

Хорошие голоса и певческое искусство исполнителей ценят зрители. Особенно большой популярностью пользуются ведущие солисты хора — Ульмасой Умаровна Усманова, Галина Васильевна Гайдар, Надежда Яковлевна Верзакова, Лидия Александровна Вокановская, Роза Тимофеевна Табакова, Анна Федоровна Гололобова, Лиля Ариповна Набиулина и другие.

— В нашем репертуаре немало лирических песен,— говорит организатор хора и его участница Тамара Николаевна Максимова.— Но предпочтение отдаем песням военных лет. Они всегда находили и находят добрый отклик в людских сердцах, становятся их верными спутниками и в радости, и в печали. И, как мы поняли, с годами они не только не стареют и не увядают, словно бы молодеют, открывая свои затаенные глубины, обретая новые краски и оттенки. А вместе с ними молодеем и мы, их исполнительницы.

И это, действительно, так. Когда хор на сцене, ни у кого даже и в мыслях не возникает, что за плечами многих этих женщин — война, работа в тылу, большая прожитая жизнь, настолько эффектно выглядят они в сценических костюмах.

С одинаковым мастерством и успехом хор исполняет песни на разных языках. Поэтому в любой аудитории артисты находят своих почитателей. И, как часто бывает, выступления заканчиваются исполнением «Ташканганских яблок» или «Кадоши», которые подхватывает вместе с хором весь зрительный зал.

В эти дни хор ветеранов войны и труда выступает на предприятиях, в учебных заведениях города, в воинских частях Ташкентского гарнизона. Участниц тепло встречают зрители, дарят им цветы, улыбки, желают счастья, здоровья, новых творческих успехов, радостного, весеннего настроения на долгие годы.

Б. СЕРГЕЕВ.

Новости науки и техники

МАЛЬЧИК РИСУЕТ КЛАССИКУ

В глухой баскской деревне, где нет телевизоров и библиотеки, живет 5-летний Диего Ванерос. Он прекрасно рисует, хотя нигде кроме своей деревни не был. Феномен ребенка в том, что Диего порой воспроизводит фрагменты известных полотен, которые прежде не мог видеть. Сейчас группа ученых-психологов пытается определить, откуда в подсознании мальчика могла появиться информация об этих картинах, какова природа этого феномена.

22 ФОИЗ КЎП

Американинг Аризона штати университети олимлари ўтказган илмий текшириш шуни кўрсатди-ки, ёмғир дам олиш кунлари оддий кунлардагига нисбатан 22 фоиз кўп ёғар экан. 1946 йилдан бери олиб борилаётган кузатувларга асосланиб, олимлар ана шундай хулосага келишди.

Бироқ, нега бундай бўлиши ҳозирча номаълум. Тахминларга кўра, шу кунлари шанба ва якшанбадагига нисбатан ҳавога кўп миқдорда заҳарли газ кўтарилади. Бу аэрозол заррачалари ёмғир томчилари пайдо бўлиши учун «уруғ» вазифасини ўтайди.

ПЕРВЫЕ ФЕРМЕРЫ

По сообщению французской «Монд», группа европейских ученых выяснила, что виды дикой пшеницы, найденные на Ближнем Востоке, очень похожи на культурные сорта, выращиваемые сегодня повсюду. По-видимому, в этом регионе не только растили пшеницу и другие «основные культуры», но и разводили одомашненных овец, коз, свиней и крупный рогатый скот. Ученые говорят, что оттуда использование культивированных растений распространилось на всю Европу и Азию.

ТАЪТИЛ ЗАРАРЛИ ЭМИШ

Немис экспертларининг айтишича, таътил зарарли ва хавфли эмиш. Бу борада Висбаден шаҳрида ўтказилган тадқиқот натижаси шуни кўрсатган-ки, ҳар икки кишининг бири таътил даврида ёки дам олиш муддати тугагач, соғлигида муаммо туғилганини билдирган. Ҳар ўн икки кишининг биттаси эса шу туфайли шифокорга мурожаат қилган.

Бундан ташқари, таътил пайтида саёҳатга чиққан ёки санаторийга борган ҳар эллик кишининг бири меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қайтган.

В КОСМИЧЕСКИХ ДАЛЯХ

«Вояджер-1» занесен в Книгу рекордов как самый удаленный предмет, сделанный человеком. Аппарат был запущен 5 сентября 1977 года. Он продолжает посылать данные о солнечном ветре и магнитном поле. «Может быть, его приборы первыми определят гелиопаузу — границу между магнитным полем Солнца и межзвездным пространством», — говорит представитель Национального управления по аэронавтике и исследованиям космического пространства.

ХОЛЕСТЕРИН КЎПЛИГИДАН

Мисрнинг етти провинциясида 25 ёшдан 65 ёшгача бўлган ўн минг нафар киши тиббий тест текширувидан ўтказилганда, уларнинг қирқ фоизи қон таркибидаги холестерин кўплигидан қийналаётгани маълум бўлди. Текширувда яна шу нарса аниқланди-ки, тестдан ўтказилганларнинг ўн фоизигина жисмоний машқлар билан шуғулланишаркан.

Маълумки, киши организмида холестеринининг кўпайиб кетиши ўт тошлари пайдо бўлиши, шунингдек, модда алмашинуви бузилишига сабаб бўлади.

ВЕГЕТАРИАНСТВО ВРЕДНО

Недавние исследования, проведенные среди вегетарианцев, показали, что такой способ питания иногда оказывается довольно вредным. Так, людям с больным сердцем, которым не рекомендуется употреблять животные жиры, наряду с этим противопоказаны также и многие молочные продукты, используемые обычно в качестве заменителей мяса, — жирное молоко, сыр, сливки, сметана. Так что вегетарианцам следует быть очень внимательными.

По материалам информационных агентств.

ҚОРА БЕЛБОҒЛИ ХОНАНДА

Нафосатли ва назокатли хонанда Лариса Москалёвани узоқ таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Сабаби аён: бугун унинг ўз мухлислари, мустаҳкам репертуари бор.

Ларисахонни ҳарбийлар ҳам севиб, «Ўзимизнинг хонанда» дейишади. Чунки ҳар бир байрам ёки тантаналарда уни гоҳ ҳарбий шаҳарчаларда, гоҳ офицерлар уйида, гоҳ ҳарбий қисмларда янги-янги қўшиқларни қуйлаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўзбекистонда бўлиб ўтган «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» халқаро машқлари тантаналарида ҳам у ўнлаб мамлакатлардан келган ҳарбийлар ҳузурида қўшиқлар ижро этиб, катта олқишларга сазовор бўлди.

Ўтган йили Лариса катта ютуқни қўлга киритди. Республика Маданият ишлари вазирлиги тизимида ўтказилган қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида санъат шайдоларига ҳайратли ва лаззатли онлар бахш этди. «Ўлкам» қўшиғи билан тизим бўйича биринчи ўринни эгаллаб, республика қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Албатта, бундай ютуққа Лариса бирданига эришгани йўқ. Тинимсиз изланишлар, машаққатли репетициялар натижаси эди, бу. Ҳаммаси жуда эрта — Лариса мактабда ўқиб юрганидаёқ бошланганди. Дастлаб мусиқа мактабининг виолончел синфини муваффақиятли тугатди. Санъатдаги жиддий қадамини эса пойтахтимизнинг Темирйўлчилар маданият саройида ташкил этилган «Сўзана» вокал ансамблида бошлади. Кейин Польшада ўтган поляк қўшиқлари танловида лауреатликни қўлга киритди.

Ҳа, ажабланманг, у нафақат полякча, балки араб, тожик, ва корейс, инглизча қўшиқларни ҳам меҳр билан куйлайди. Репертуарида 50 дан зиёд корейс қўшиқлари бор. 1994 йили Тошкентда ўтган корейс қўшиқлари фестивалида ҳаммани лол этиб, биринчи ўринни эгаллади. Хуллас, Л. Москалёва қўшиқ оламида ўз йўлини топишга муваффақ бўлди ва бутунги кунда ана шу йўлдан дадил одимламоқда. Уни, айниқса, ўзбек халқ куй-қўшиқлари мафтун этади.

— Хонанда кўпроқ одамлар орасида бўлиши керак, — дейди Лариса. — Ҳақиқий халқона оҳанглар, гўзал товушлар асосан халқ орасида мужассам бўлади. Ўзбек халқ қўшиқларидан олам-олам завқ оламан, улар менга илҳом бағишлайди.

Дарҳақиқат, хонанда ижросида ўзбек халқ қўшиқларини, айниқса «Майда, майда, майда...»ни тингласангиз, унинг юқоридаги сўзлари айни ҳақиқат эканига тўла ишонасиз. Умуман, Л. Москалёванинг қўшиқчиликдаги фаолияти ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Лекин бугун биз унинг бошқа санъаткор аёлларга хос бўлмаган томони ҳақида сўзламоқчимиз. Гап шундаки, Лариса спортнинг таэквандо тури билан жиддий шуғулланиб, бу соҳада кўплар ҳавас қилса арзийдиган ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлган.

Ҳа, ажабланманг, шуғулланганда ҳам у таэквандонинг жанговар тури билан шуғулланади. Энг эътиборлиси, мусиқани ҳам, таэквандони ҳам бир вақтнинг ўзида олиб борди. Очиғи, унча-мунча йигитнинг ҳам қўлидан келавермайди бу иш. Ларисанинг нозик-ниҳол қадди қоматини, нафис қиёфасини кўрган одам, «наҳотки шу қиз таэквандо билан жиддий шуғулланган бўлса», деб ҳайрон қолади. Мен ҳам унинг спорт билан бу қадар жиддий шуғулланганига нима сабаб бўлгани билан қизиқдим.

— Бунга ҳаётимда рўй берган бир тасодиф ёрдам берди, — дея ҳикоя қилади у. — Ўшанда ўн беш ёшда эдим. Бир оз кеч тушганда ёлғиз уйга қайтаётган эдим. Йўлимни бир безори тўсиб чиқди. Нима қиларимни билмай, саросимада қолдим. Тасодифан спорт билан шуғулланадиган яхши бир одам келиб қолиб, мени қутқарди. Шу воқеадан сўнг спорт билан шуғулланишга қатъий қарор қилдим. Таэквандога қатнашганимдан кейин ҳар бир йигит-қиз спортнинг бирон-бир тури билан шуғулланиши зарур, деган хулосага келдим. Ёшлигимда кўп касал бўлиб, нимжон ўсган эканман. Ҳатто мактабда жисмоний тарбия дарсидан озод эдим. Таэквандо билан шуғулланаётганим ҳақида ҳеч ким билмасди. Шунинг учун ҳам юқори синфда жисмоний тарбиядан нормативларни ўғил болалардан ҳам аъло бажарганимдан ўқитувчимиз ҳайрон қолган. «Наҳотки шу сен бўлсанг, Лариса?» дея ҳайратланган.

Лариса Москалёва агар одам чин дилдан истаса ва интилса, кўп ишга қодир эканини амалда исбот қилди. Лекин бунда истак ё интилишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Яна сабру чидам, матонат, тинимсиз машаққатли машқлар зарур. Лариса буларнинг ҳеч биридан чўчимади. Ҳатто устози — тренери Герасим Пак унинг қиёфасида ҳақиқий спортчини эмас, кўпроқ балеринани кўришини айтганида ҳам хафа бўлмади. Тренери унга: «Сен зал бўйлаб худди балеринадек енгил учиб юрасан», — дерди. Эҳтимол шунинг учун ҳам у Ларисанинг спортдаги фаолиятига дастлаб шунчаки эрмак, деб қарагандир. Лекин қиздаги иштиёқ, қатъият, тинимсиз машқлардан чарчамаслик, нолимаслик, ўрганишга интилиш каби хислатлар уни бу фикридан қайтарди. Устоз шогирди билан жиддий шуғулланишга киришди. Тажриба алмашиш учун турли мусобақаларга олиб бориб, бошқа мактаблар фаолияти билан таништирди.

Икки ярим йилдан сўнг

Л. Москалёва имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, тренер-инструктор гувоҳномасини қўлга киритди. 1993 йил 23 майда Ўзбекистонда илк бор юқори даражада таэквандо бўйича аттестация ўтказилди. Унга Америкадан асли кореялик бўлган еттинчи дан қора белбоғ соҳиби Че Чан Ку ҳам таклиф этилди. Шунда Лариса Ўзбекистонда аёллардан биринчи бўлиб 1-дан қора белбоғни тақиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ҳазилакам ютуқ эмасди. Шундан сўнг у бир неча муддат Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисмда таэквандо бўйича тренер-инструктор сифатида иш олиб борди. Аскарларга қўл жанги санъатини ўргатди.

Лариса яна шу билан фахрланса бўладики, таэквандо асосчиларидан генерал Чой Хон Хи Тошкентга халқаро мусобақа пайтида келганида, Лариса билан шахсан танишишни ихтиёр этиб, у билан суҳбатлашади. Қизнинг ютуқларидан мамнунлигини билдиради. Албатта, Лариса спорт йўлидан кетганида ҳам кам бўлмасди. Лекин ҳал қилувчи дақиқа келиб, икковидан бирини танлаш лозим бўлганда, у санъатни танлади.

— Чунки, — дейди у, — ҳаётимни санъатсиз, қўшиқсиз тасаввур қилолмайман. Ҳатто, спортда энг юқори натижаларга эришган вақтимда ҳам қўшиқ менинг ҳамроҳим бўлган. Лекин спорт билан шуғулланганим зое кетгани йўқ. Спорт туфайли чиниқдим, чарчамасликка, машқдан зерикмасликка, асосийси, ўзимга ишонишга ўргандим. Агар бугун санъатда бир қадар яхши натижаларга эришаётган эканман, бунда спортнинг ҳиссаси катта.

Шубҳасиз, Л. Москалёва бугун санъатда ўзи камтарлик билан айтганидек, бир қадар эмас, яхшигина натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳозирги кунда у Наврўз байрамига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Иккита янги қўшиқ устидаги ишлари ниҳоясига етиб қолди. Булар «Марварид» («Қари наво») халқ қўшиғи ҳамда «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз?» қўшиқларининг ўзига хос талқинларидир. Ўйлаймизки, олдингилари каби унинг бу қўшиқлари ҳам мухлислари қалбига йўл топади.

Гулчеҳра УМАРОВА.

Турфа олам

МАЪҚУЛЛОВ

Борис Немцов давлат амалдорларига хориж машиналарини қўйиб, ўз мамлакати машиналарида юришни таклиф қилган эди. Саратов вице-губернатори Вячеслав Володин бу фикрни қўллаб-қувватлашни режалаштирган кўринади. У маҳаллий ҳукумат барча аъзоларига хориж костюмларини кийиб, вилоятдаги Вольск тикувчилик фабрикаси маҳсулоти — фрак (олд этаги қисқа, орқа томони узун эркаклар кийими)да юришни таклиф этди.

СРЕДНЕВОСТОЧНОЕ ВРЕМЯ

На Среднем Востоке переход на местное время сопряжен с некоторыми сложностями. Так, в Иране много лет местное время опережало время по Гринвичу на три с половиной часа, а не ровно на три или четыре, как в большинстве стран. На Среднем Востоке переход на «зимнее время» происходит в последние выходные сентября, но в Израиле в прошлом году часы перевели 13 сентября. Определить выходные тоже трудно. В большинстве государств, омываемых водами Персидского залива, отдыхать принято по четвергам и пятницам. Но в Египте, как и почти во всех соседних странах, выходными днями считаются пятница и суббота, тогда как в Ливане — суббота и воскресенье.

БЕЗОРИ МАЙМУН

Красноярскийдаги 112-мактаб-интернатга кириб қолган маймун безориларча ҳаракат қилиб, барча нарсани остин-устун этди. Баджаҳл маймун тутқич беравермагач, милиция нарядини чақиришга тўғри келди.

Милиция маймун устига волейбол тўрини ташлаб қўлга олгач, унинг эгаси шу ерлик суратчи эканлиги аниқланди.

СОБСТВЕННАЯ «КНИГА РЕКОРДОВ ГИННЕССА»

Склонные примечать все необычное и интересное жители вьетнамской столицы занялись составлением собственной версии знаменитой Книги рекордов Гиннесса, получившей название «Ханой Гиннесс-бук». Кто самый высокий в Ханое и кто самый низкий, самый толстый и самый худой, где находятся самый большой и самый маленький дома во вьетнамской столице? На эти и другие шуточные вопросы дает исчерпывающие ответы ханойская «Гиннесс-бук». Так, 77-летняя жительница столицы Чан Тхи Синь, сообщает книга, имеет самые длинные волосы во всем Вьетнаме. Их длина превышает полтора метра. Каждый день она проводит по три часа у зеркала с гребнем, расчесывая свои кудри и заплетая их в косы, которым позавидуют и молодые красавицы.

УҒРИНИ ЎҒРИ УРДИ

Уй ўмарган ўғрини Тюмень милициясн бирпасда қўлга олди. Уни машинада ҳибсхонага олиб кетишаётганда, бир хонадонга ўғри тушгани ҳақида рация орқали хабар берилиб, манзилгоҳи маълум қилинди. Буни эшитган машинадаги ўғри талвасага туша бошлади. Сабаби — ўғрининг уйини ўғри урган эди-да.

БАНКОМАТЫ В АНТАРКТИДЕ

Два банкомата установлены на американской станции Мак-Мердо в Антарктиде. Таким образом, ликвидировано последнее «белое пятно» на финансовой карте мира. Теперь в кафе и двух барах станции население Антарктиды — около 200 человек — сможет расплачиваться наличными при помощи кредитных карточек.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

В „ОЛМАХОН“ ПОЗДРАВЛЯЮТ МАМ

В детском саду подведомственным Министерству обороны «Олмахон» с раннего утра кипит жизнь. Во всех группах, включая и ясельные, идет целенаправленная, интересная работа: одни дети рассказывают стихотворения, другие репетируют танцевальные номера, кто постарше, помогают высаживать зеленые насаждения... Словом, практически все задействованы в каком-либо полезном деле.

— Это обычная жизнь нашего детского сада ,— говорит заведующая Мавжуда Джураевна Мухамедова. — Мы уже с раннего детства стараемся прививать детям любовь к труду, музыке, вообще к миру прекрасного. Март приносит всем нам какое-то особое настроение: ведь именно в марте отмечаются замечательный женский день и праздник обновления — Навруз. К 8 Марта у нас шла деятельная подготовка. На утренник подготовили концертную программу. В основном здесь участвуют старшие и подготовительные группы. В этот день своих мам и всех сотрудниц детсада порадуют Н. Онофрейчук, З. Абдугафуров, Г. Петридий, А. Сюсюрченко, А. Греков, Е. Кадушкина и другие стихотворениями, посвященными им, и концертными номерами. Уверена, что праздник у нас получится неплохой. Об этом позаботились музыкальный руководитель Ирина Викторовна Тамбасова, опытный методист Галина Ильинична Буткевич.

В нашем коллективе немало воспитательниц, которые достойны похвалы не только в дни праздника, но и всегда. Это Лидия Александровна Манина и Ольга Павловна Темникова, передающие свой богатый опыт другим. Благодаря им отличными воспитателями стали Гульнора Джапарова, Ирина Попловец, Рано Самадова, Дано Умарова, Рано Арисланова, Ирина Ким, Джамиля Хамракулова.

Что ж, сотрудницы детсада «Олмахон» служат общему делу воспитания молодого поколения независимой Родины. А завершить свой материал хотелось бы стихотворением одного из мальчиков, читавшим его на репетиции:

Восьмого Марта, все на свете,
Примите, женщины, привет!
Цветите в солнечном рассвете
И в счастье мирном много лет!

Майор Х. ЗАИНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

СПОНСОРСКАЯ ПОМОЩЬ БОЛЬНИЦЕ

В преддверии праздника Навруз заметно обновилась участковая больница в кишлаке «Учтепа», что находится в Булакбашинском районе Андижанской области. Здесь осуществлен капитальный ремонт всех корпусов, служебных и подсобных помещений, благоустроена вся прилегающая территория.

В кабинетах, палатах и коридорах больницы радуют взор новая мебель и ковры, новое медицинское оборудование.

Благотворительная акция областного объединения «Андижонавтойул» подхвачена многими коммерческими предприятиями и хозяйствами, решившими также помочь сельской больнице.

К. НИЗАМОВ, корр. УзА.

● ТВОРЧЕСТВО НАШИХ ЧИТАТЕЛЕЙ

МИЛЫМ ЖЕНЩИНАМ

Сестра, жена, надежная подруга,
Заботливая, ласковая маты!
Наш мирный труд и светлый час досуга
Всегда привыкли с вами разделять.
Не будь бы вас на этом свете,
Мы б не смогли трудиться и мечтать,
И не рождались на земле бы дети,
И жизнь пошла бы непременно вспять.

ПИСЬМО

Оно не знало отдыха в дороге
И торопилось, нежное, само.
С рассветом появилось у порога
Родное, долгожданное письмо.
Что там стихи, что самый лучший очерк,
Теплее песни это письмецо!
Я в сотый раз смотрю на милый почерк
И вижу в сотый раз ее лицо.

М. ДОКТОРОВ.

САККИЗИНЧИ МАРТ БУГУН

(ҲАЗИЛ)

Аё дўстлар, очинг кўзи,
саккизинчи март бугун,
Сизникини билмадиму,
бизни хотин мард бугун.
Юзида ним табассум,
кўзда ғурур—намойиш,
Ул санамнинг қошларидан
жилмаслигим шарт бугун.
Тансиқ таом зиммамдадур,
бозор-ўчар — фармойиш,
Қўлда косов, тутун ютиб,
оқ кўйлагим гард бугун.
Ширинлик йўқ ёрдин
ўзга, ўзлари шакар, қандим,
Бизга белбоғ ила чорбоғ,
жужуқларга «торт» бугун.
Баҳор тафти аёлларга
багрикенглик эт ато,
Болам дейди, далам дейди,
уйғоқ ўзбек—сарт бугун.
Бир кунгина паст
тушайлик, тиниб майли жагимиз,
Ҳур хотиннинг дийдиёси
ҳаммамизга «дард» бугун.
Тошпўлат ҳам эрир энди,
қуёшнинг қизиғидан,
Узр, дўстлар, чиқолмасман,
ўйнамоққа нард бугун.

Тошпўлат ТУГАЛ.

ХОТИН ТИЛИ

(ҲАЖВИЯ)

Тўлқин ака кўп нарсани билади десам, ажабланишингиз турган гап. Гапнинг тўғриси ҳам шу. У киши билан суҳбатлашсангиз, буни ўзингиз ҳам билиб оласиз.

Бир куни кадрлар бўлими бошлиғи Тўса хола корхонада давлат тили ҳақида қонун ижросининг тасдиғи сифатида ҳаммамизга варақа тарқатиб чиқди.

— «Шахсий варақа»ларингизни давлат тилида тўлдириб берингиз! — деди худди қонунни амалга ошириш борасида «биринчи гишт»ни қўйётган кишидек писанда билан.

Бир пасда варақаларни тўлдириб бердик. Тўлқин ака ҳам бир амаллаб варақани тўлдирди ва менга узатди:

— Мирзажон, сивижий калла билан бир ўқиб кўринг, тўғри тўлдирибманми ёки ашибкаси борми? — деди кўзойнагининг ойналарини нафаси билан намлаб, сўнг рўмолчаси билан артаркан. — Ашибкаси бўлса, уялмасдан юзимга айтаверинг, хафагарчилик йўқ.

Варақани олиб ўқишни бошладим. Берилган саволларга деярли тўғри жавоб ёзилган. Лекин «қанақа хорижий тилларни биласиз?» деган ерига келганда беихтиёр қаҳ-қаҳ уриб юбордим. Ҳамхоналар «нима гап» дегандек им қоқишди.

— Тўлқин ака мана бу ерга менимча, «лотин тилини биламан» демоқчи бўлган эканлар, лекин шошиб, «хотин тили» деб ёзибдилар, — дедим ва Тўлқин акага қараб: — Тузатиб қўяйми ёки ўзингиз..

Тўлқин ака жон ҳолатда қўл силтади.

— Тегма, тўғри ёзганман! Нима, сенлар дунёда «хотин тили» деган тил борлигини билмайсанларми?

Аввалига у кишининг гапига кулдик. Юзларидаги жиддийликни кўрдик, нафасимиз ичимизга тушди.

— Баринг ёшлигинга борасанлар-да, а? Бу тилни вақтида ўргансаларинг зарар қилмайсанлар, — деди Тўлқин ака жилмайиб. — Хорижий, хорижий дейсанлар-у, лекин уйларингдаги хотинларингни тилини билмайсанлар!

Эшикка яқин жойда ўтирадиган кичик муҳаррир Ражаб ака: «Бунақа тил борлигини биринчи бор эшитяпман», — дедию балога қолди.

— Агар сен ҳам шу тилни билганингда, хотининг ҳар куни онасиникига кетиб қолавермасди!

— Қўйсангиз-чи, — деди Ражаб ака гапирганига пушаймон бўлиб.

— Бу гап битта Ражабга эмас, қолганларга ҳам тегишли, — деди Тўлқин ака. — Уйланганимнинг дастлабки кунларида мен ҳам бу тилни унчалик менсимай, бир ҳафта-ўн кунда ўрганиб оламан, деганман-у, катта хато қилганман. Хотин тили шунақа мураккаб тил эканки, одам беш йилда битта тилни ўрганиши мумкин, лекин хотин тилини номадикорга бутун умрини сарфлаб ҳам ўргана олмаскан. Бу тил билан тугилган сўзни тиш билан ҳам ечолмайсан...

— Сиз қандай қилиб ўргангансиз, ҳай? Биринчи ўрганган сўзларингизни айтиб беринг, — дедик биз жўр бўлиб.

Тўлқин ака «сўрамасалар-лар ҳам гапни шундан бошламоқчи эдим», дегандек ҳикоясини бошлади:

— Янги келин-куёв, отаонамиз билан рўзғор битга, битта дастурхондан овқатланамиз. Олдиндари эътибор бермаган эканман, бир куни кечки овқатни еб бўлгач, хотин дастурхонни йиғиштириб олди-да, ичкарига кириб кетди. Биз — янги куёв, ўтирган жойимизда шалтай-балтай, деб ўтиравердик. Орадан бир соатча вақт ўтгач, отам:

— Ўғлим, сени келин чақираяпти, — деб қолдилар.

— Эшитмадим-ку, ота, қачон чақирди?

— Чақирганига бир соат бўлувди, ўғлим, қулоғинг том битганми?

— Қўйсангиз-чи, ота, чақирса эшитардим, кар эмасман-ку!

Отам елкамга қоқиб, кулдилар.

— Келин бир соат олдин туриб кетгани — бу сени чақирганг! Буни хотин тили дейдилар! Қани, тур ўрнингдан!..

Ичкарига кирсам, ҳақиқатан ҳам янги келин аразлаб ўтирибди. «Чақирганимга бир соатдан ошди, келмайсиз», — деди қовоқ осиб...

Орадан тўрт-беш ой ўтди. Қишнинг чилласи, ташқари, дов-дарахт оппоқ қор билан қопланган. Хотин бўлса, қулоғимга «анжир егим келяпти», деб қолди. Ўзим нимадандир тажанг бўлиб ўтирган эдим, уриб бердим. Тўғри-да, қишда анжир нима қилсин, олма бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Жанжалимизни отам эшитган эканлар, ёнларига чақирдилар.

— Ғўрсан-да, болам, ғўрсан, — дедилар шодланиб. — Ҳалигача хотин тилини ўрганмадинг, а? Келин бу билан ўз тилида бошқа нарсани айтган, сен эса тушунмагансан.

— Нима демоқчи бўлган, ҳай?

— «Яқинда сиз ота, мен она бўламан», деган, саводсиз!

Уятдан қизариб кетдим...

Биринчи фарзандимиз туғилганда уйимиз тўйхонага айланди. Опа-сингил, холамма, тога-жиян дегандай, қариндош-уруғ бир ҳафтача остонамизни тепкилашди. Бир куни навбатдаги меҳмонлар тарқагач, хотин бешикка суяниб гап бошлади:

— Холангизнинг катта қизининг қулоғига қарадингизми? — деди.

— Қулоғига нима қилибди?

— Ўзим шунчаки айтяпман-да, — деди гапни мухтасар қилиб.

— Бировнинг қулоғи билан нима ишинг бор? Ўзингни билсанг-чи! — деб қойиб берсам, «сиз одамни тушунмайсиз», деб дийдиё қилди. Онам кириб, мени отамнинг олдига чақиртириб, келинни овунтира кетдилар. Отамга гапириб берсам, яна кулдилар.

— Келин «зирак олиб беринг» демоқчи бўлган, сен хомкалла бўлса... Бу қадини қачон ишлатасан? — Отам бошимга чертиб қўйдилар.

— Гапни айлантирмасдан тўғрисини айтса, олиб бераман, — дедим зарда билан. — Бундай ўзбекча ҳам гапирсин!

— Хотинлар ҳеч қачон тўғрисини айтмайди, болам. Хотин тилининг бошқа тиллардан фарқи ҳам шунда!..

Шу-шу бўлди-ю, мен бу қади бошни ишлатадиган, хотининг гапидан, имо-ишорасидан, юриш-туришидан нима демоқчилигини билиб оладиган бўлдим.

Бир куни ишдан чарчаб борсам, ошхонада миз-миз йиғлаб ўтирибди. Олдида қўшнимиз Муяссархон, эгнида йўлбарс терисидан тикилган пальто. Эшикдан киришим билан хотин э йўқ, бе йўқ, осмондан тараша тушгандай:

— Биласизми, мен нимага йиғлаяпман? — деди.

— Бўлди қил, менда унақа пул йўқ! — дедим унга жавобан.

— Шундан кейин жим бўлди-қолди. Ана шунақа гаплар, — дея Тўлқин ака ҳикоясини тугатган бўлди.

— Тўлқин ака, ҳамма гапларингизни тушундик, лекин охирги савол-жавобингизга ҳеч ақлимиз етмаяпти, — дедик бир-биримизга қараб. — Хотинингиз сизга нима деди-ю, сиз унга нима деб жавоб бердингиз?

Тўлқин ака мийигида кулди.

— Агар хотин тилини билганларингда шу саволни менга бермаган бўлардиларинг, — деди бурнини учини қашиб. — Қўшнимиз сотиб олган янги пальтосини бизнинг хотинга мақтаб, ичини қуйдириб ўтирганида мен кириб борган эдим. Хотин мени йиғлаб қаршилагач, тушундимки, бу «менга ҳам шунақа пальто олиб беринг» демоқчи. Шунда мен: «Йиғлама, менда бунақа пальтога етадиган пул йўқ», дедим... Бор гап шу...

Шундан сўнг бошқа саволга ўрин қолмади.

Илҳом ЗОНИРОВ.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ГАЗЕТАНИНГ 25-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 2. Руда. 5. Сити. 7. Арра. 8. Дуо. 11. Қўл. 12. Ота. 13. Магний. 15. Милан. 18. Ўсма. 19. Ни. 22. Очерк. 23. Норин. 24. Оқ. 26. Рига. 28. Кийим. 31. Жиззах. 33. Қўй. 35. Лад. 36. Чад. 38. Оҳак. 39. Ёгин. 40. Жуба.

БУЙИГА: 1. Мил. 2. Радио. 3. Таълим. 4. Нант. 6. Игна. 9. Ойдин. 10. Ўқиш. 14. Нос. 16. Лок. 17. Нома. 20. Этик. 21. Ни. 22. Ой. 23. Най. 25. Қилич. 27. Газ. 29. Малика. 30. Нидо. 31. Жидда. 32. Анти. 34. Учоқ. 37. Аёз.

ЕЙЛАР БУЙИЧА: 1. Моҳир тикувчи аёл. 2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг сўнгги романларидан бирининг бош қаҳрамони. 3. Таркибида кумушсимон оқ мўрт металлдан иборат қимёвий модда бўлган қорамтир жардоз бўёғи. 4. Шукур Ҳолмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романи қаҳрамони. 5. Сиймоси ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» асарида гавдалантирилган, фашизмга қарши уруш йилларида кўп миллат фарзандларини тарбиялаб жасорат кўрсатган ўзбек аёлининг асли исми. 6. Саҳна асарининг мустақил воқеликдан иборат бўлган тугал бир қисми. 7. Алишер Навоий «Хамса»си достонидаги бош қаҳрамон. 8. Икки чеккага ёки пешанага ҳуси учун тушириб қўйиладиган соч. 9. Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асари қаҳрамони. 10. Гўзал ва қадди-қомати келишган аёл. 11. Тараф-тараф бўлиб ижро этиладиган терма қўшиқ. 12. Доира шаклида гул-нақш билан қопланган каштачилик буюми. 13. «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 14. Халқ қўшиқлари тури. 15. Машҳур туркман фильмларидан бири. 16. Аёлларга ҳурмат юзасидан айтиладиган сўз. 17. Ўзбек халқ рақс куйи. 18. Соч ўрими. 19. Хоразмча оммавий халқ рақс куйи. 20. Қошга пардоз беришда ишлатиладиган асбоб. 21. Ораста-лик анжоми. 22. Ўрўпача оммавий рақс тури. 23. Абдулҳамид Чўлпоннинг «Ёркиной» пьесаси қаҳрамони. 24. Тақинчоқ тури. 25. Ўзбек халқ рақс куйи. 26. Ижодкор аёл. 27. Жуда ҳам келишган, ҳусидор. 28. Бошга ўраладиган мато.

Энди қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади) жавоблардаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг.

19 — 4; 2 — 2; 20 — 3; 5 — 1; 7 — 2; 9 — 3; 3 — 5; 15 — 5; 10 — 1; 1 — 2; 27 — 1; 4 — 4; 28 — 3 Ундан Ўрта Шарқдаги биринчи тарихчи аёл номи аён бўлади.

Ф. ОРИПОВ.

Центральный совет ОСО Узбекистана «Ватанпарвар» выражает искреннее соболезнование родным и близким по поводу кончины бывшего заместителя председателя общественной оборонной организации республики
МАМАДЖАНОВА
Ахмаджона
Мамаджановича.

БОШ МУҲАРРИР
ПОДПОЛКОВНИК
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: военной службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.
Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.
Типография газеты «Ватанпарвар».
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Заказ № 0122.